

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Қарши шаҳридаги “Ишга
марҳамат мономаркази”
директори
З.Садуллаева

« 05 » 2022 й.

Қарши шаҳридаги “Ишга марҳамат мономаркази” Косон тумани филиали
биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган ташкилотни танлаш
бўйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Қарши шаҳридаги “Ишга марҳамат мономаркази”

Қарши – 2022 й.

ШАРТЛАР

-Қарши шаҳридаги “Ишга марҳамат мономаркази” Косон тумани филиали биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган ташкилот ва муассаса ходимлари, мутахассислари мавжудлиги, танловдаги ишларни бажариш тажрибасига етарли касбий техникавий малакасига эга бўлиши шарт.

- Хизматларнинг максимал нархи жами 539 432 304 (Беш юз ўттиз тўққиз миллион тўрт юз ўттиз икки минг уч юз тўрт) сўмни .

- Жорий таъмир ишларини бажарувчи ташкилотнинг тегишлиги бўйича гувоҳнома ва бошқа ҳужжатлари мавжуд бўлиши лозим.

- Молиявий имкониятларга шартнома тўзиш юзасидан фукаролик муомаласига, ҳуқуқий лаёкатга ва ваколатга эга, тажрибали ва ишончли бўлими шарт.

- Жорий таъмирлаш ишларини бажаривчи муассасалар Давлат реестридан рўйхатидан ўтган гувоҳномага эга бўлиши шарт.

- Иштирокчилар томонидан берилган тижорат таклифлар комиссия аъзолари томондан урганиб чиқилади, иштирокчилар билан суҳбат жараёнида иш хизмат кўрсатиш сифати аниқлаб олинади комиссия аъзолари энг арзон таклиф берган иштирокчини танлашга мажбур эмас балки сифатли иш хизмат кўрсатувчи иштирокчи танланиши мумкин ҳолиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзоланади ва олдиндан 30% тўлов амалга оширилади, қолган 70% тўлов иш ёки хизмат якунланиб иш ва хизмат ҳажми, сифати комиссия томонидан текширилгандан сўнг тўлаб берилади. Иштирокчилар шартнома тўзиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий ва кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрига қайд этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотлари бўлиши керак.

- Ижрочилар билан ҳисоб-китоблар миллий валютамиз сўмда тўлаб берилади.

- Танловда иштирок этиш учун таклифлар ўзбек тилида тайёрланиши лозим.

- Танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

- Тупламлар сони: 5 иш куни давомида

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қушилган қиймат солиғи билан ёки қушилган қиймат солиғисиз. Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим. Хизмат кўрсатиш муддати: ҳар ой календар санаси бўйича 28,29,30 ёки 31 кун.

Буюртмачи – Қарши шаҳридаги “Ишга марҳамат мономаркази”. Манзил: Қарши шаҳри Навоий 70 А уй. Телефон 997035228. Танлов ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс: комиссия раиси, котиби ва комиссия аъзолари Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Ишга марҳамат мономаркази” Косон тумани филиали биносини жорий таъмирлаш хизмати бўйича лот муддати тугагандан сўнг барча иштирокчилар ва комиссия аъзолари билан ўтказилади.